

WEB ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИНИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Хакимова Фарангиз Абдуалимовна

ГулДУ, ТАТ магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7188129>

Аннотация. “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан Web технологияларга асосланган электрон таълим ресурсларига қўйиладиган асосий психолого-педагогик, дидактик, техник ва методик талабларни аниqlashi. Web технологияларга асосланган электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқши ва уни академик лицейлар амалиётига жорий этиши методикасини ишлаб чиқилган

Калим сўзлар: Web технология, электрон таълим ресурслар, масофали ўқитши, материални визуаллаштириши, виртуал назорат.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ ДЛЯ СОЗДАНИЯ ЭЛЕКТРОННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ НА ОСНОВЕ ВЕБ-ТЕХНОЛОГИЙ

Аннотация. Определение основных психолого-педагогических, дидактических, технических и методических требований к электронным образовательным ресурсам на основе веб-технологий из предмета «Информатика и информационные технологии». Разработана методика разработки электронных образовательных ресурсов на основе веб-технологий и внедрения ее в практику академических лицеев.

Ключевые слова: Web-технология, электронные образовательные ресурсы, дистанционное обучение, визуализация материала, виртуальный контроль.

USE OF TECHNOLOGIES TO CREATE ELECTRONIC EDUCATIONAL RESOURCES ON THE BASIS OF WEB TECHNOLOGIES

Abstract. Determination of the main psychological, pedagogical, didactic, technical and methodological requirements for electronic educational resources based on web technologies from the subject "Computer Science and Information Technology". A methodology has been developed for developing electronic educational resources based on web technologies and introducing it into the practice of academic lyceums.

Key words: Web technologies, electronic educational resources, distance learning, material visualization, virtual control.

КИРИШ

Республикамида жорий қилинган узлуксиз таълим тизими ва унинг ривожланиши учун хукуқий-меърий, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитларни яратиш, ўкув-услубий мажмуалар ҳамда таълим жараёни дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлоди ишлаб чиқилган ва жорий этилган. Шунингдек, замонавий ахборот технологияларидан таълим жараёнида унумли фойдаланишни йўлга қўйиш, компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари негизида таълим жараёнини ривожлантириш ва шу асосда ўкув-тарбия жараёни юқори сифатли электрон ўкув адабиётлари билан таъминлашга эришилди.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Интернет технологиялари тараққиётининг замонавий босқичи web технологияларининг ривожи билан белгиланади. Web технологиялар www тизимида асосланган. Web технологияларнинг такиби ва ташкил этиувчилари 1-расмда келтирилган.

WWW (World Wide Web) -бутун дунё ўргимчак тўри – бу узлуксиз ривожланаётган тўр бўлиб, дастлаб 1990 йилларда яратилган бўлиб, у аниқ бир масалани ечишга қаратилган эди. 1990 йиллардан ҳозирги кунгача Web технологиялар Web 1.0, Web 2.0, Web 3.0 ва бошқалар каби номланиб ривожланиб келди. Ҳозирги кунда бу технологиялар турли масалалар ва жараёнларни қамраб олди.



1-расм. Web технологияларнинг такиби ва ташкил этувчилари


Дастлабки web - технологиялар 1989 йилда CERN ходими Tim Berners-Li томонидан ихтиро қилинган ва бир йил ўтгач, у биринчи web-браузерни яратди. 1991 йилда илмий ташкилотлар ўртасида маълумот алмашиш учун браузердан фойдаланилди ва тез орада кенг жамоатчиликка таништирилди. 1991 йил 6-август куни Berners-Li биринчи web-сайтни биринчи web-серверда <http://info.cern.ch/> da joylashtirdi. У ерда ихтирочи интернет билан ишлаш учун дастурлардан фойдаланиш бўйича кўрсатмаларни, кейинчалик эса бошқа сайтларнинг каталогини тақдим этди. Бу эса web 1.0 - бу тармоқ морфологияси шаклланган бутунжаҳон интернетнинг биринчи авлодидир. Унинг доирасида фойдаланувчи Web 1.0 тармогининг ресурсларида тўпланган ҳар қандай маълумотни олиш орқали маълумот манбаларини қидириш имкониятига эга. Ушбу даврда статик сайтлар яратилди ва маълумотлар мижозга пассив равишда узатилди. Web 1.0 мавжуд бўлганда электрон кутубхоналар ва Интернет маълумотлари каталоглари ривожлана бошлади.

Web 2.0 - бу фойдаланувчиларга мустакил равища таркиби яратиш, шунингдек Интернетдаги ўзлари ва бошқа одамларнинг материаллари ўртасидаги алоқаларни бошқариш имконини берадиган интерфаол семантик Web-сайт бўлиб, фойдаланувчи ва сервер ўртасида интерфаол ахборотлар шакллантирилади.

Web 3.0 технологияси - бу Web 1.0 ва Web 2.0 технологиялари сифатларини бирлаштирган янги технология бўлиб, мутахассислар томонидан яратилади ва энг керакли маълумотлар фойдаланувчиларнинг қидирив сўровларида кўрсатилади.

Ҳозирги кунда республикамизда таълим тизимига Web технологияларни жорий этиш ва улар асосида масофали ўқитиш тизимидан фойдаланиш бўйича барча ташкилий,

меъёрий ва ҳуқуқий таъминотлар шакллантирилган.



2-rasm. Web texnologiyasi rivojlanishi

Масофали ўқитиши - ахборот-коммуникация технологиялари воситалари ва илмий асосланган ўқитиши усулларини қўллаб ўқитиши (кундузги, сиртқи, экстернат) шаклидир. Ўқитишининг бу шакли ўқувчиларга мос таълим предметини эркин танлаш, ўқитувчи билан мулоқот қилиш шароитларини яратадиган анъанавий, янги ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланиб, ўқитиши жараёни ўқувчининг қаердалиги ва вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда бажарилади. Масофавий таълим - масофали ўқитиши орқали амалга ошириладиган таълимдир [8].

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Масофали ўқитиши ташкил қилишда таълим хизматлари самарадорлигини оширишда ахборот маконининг ўрни жуда катта. Таълим муассасаларида фанлардан ахборот маконини яратиш Web технологияларидан фойдаланиб, электрон таълим ресурслари ташкил қилиш орқали амалга оширилади.

Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурсларида масофали ўқитиши ташкил қилишда умумлаштирилган ўқитиши технологиялари ва тизимлари яратиш муҳим аҳамиятга эга. Умумлаштирилган ўқитиши технологиялари ва тизимларига Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурсларида жойлаштирилган ўқув дастурлари, режалар, дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари мазмуни, тест тизимлари мажмуасини келтириш мумкин.

Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари масофали ўқитишининг асосий воситаларидан бири ҳисобланиб, унга масофали ўқитишининг ташкилий-услубий ва меъёрий-ҳуқуқий базаси жойлаштириллади. Шунинг учун Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари ўқувчилар ва педагогларни мутлақо янги ўқув-услубий воситалар билан таъминлашга хизмат қиласи.

Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари - таълим соҳаси бўйича фаолият юритувчи ва шу соҳада интерфаол хизмат қўрсатувчи, ахборот ресурслари ва таълимга оид саҳифалар, сайтлар ва таълим порталлари билан тўғридан-тўғри боғланадиган интернет ресурсидир. Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари масофали ўқитиши амалга ошириладиган таълим муассасалари ўқув

жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, унинг тузилмалари, молиявий-хўжалик ишларини юритиш, ўкув режа ва дастурлар, ўкув материаллари, тестлар ва бошқалар ҳақида веб ресурслар мажмуаси жойлаштирилади.

Электрон таълим ресурсларини яратишга қуйидаги умумий, дидактик, услугбий, психологик-педагогик, техник-технологик, эстетик, эргономик ва санитар-гигиеник талаблар қўйилади.

Электрон таълим ресурсларини яратишда қуйидаги асосий тамойилларга амал қилиш талаб этилади: модуллилик, тўлиқлик, кўргазмалик, тармоқланиш, бошқарувчанлик, мослашувчанлик, компьютерли қўллаб-куватлаш ва йиғилувчанлик тамойиллари.

МУҲОКАМА

Фикримизча, электрон таълим ресурсларини яратиш қуйидаги тартибда босқичмабосқич амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

- фанга оид манбаларни танлаб олиш;
- мундарижа ва тушунчалар рўйхатини ишлаб чиқиш;
- бўлимлардаги (модуллардаги) матнларни қайта ишлаш ва ёрдам бериш бўлимини тузиш;
- гиперматнни электрон шаклда амалга ошириш;
- компьютерли қўллаб-куватлашни таъминлаш;
- материалларни мультимедиали обьектларга келтириш учун танлаб олиш;
- материални визуаллаштириш;
- фойдаланишга тайёрлаш;
- фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш.

Масофали ўқитиши Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурсларининг электрон кутубхонаси гиперматн тизимидан иборат бўлиб, у таълим муассасасининг бошқарув жараёнларини, илмий-ўкув ахборот муҳитига ўтиш ва маълумотлар излашни осонлаштиради.

Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари маълумотлар мажмуасидан иборат бўлиб, Интернет, шунингдек, Интранет тармоқлари талабларига жавоб беради. Электрон таълим ресурслари учун тавсия қилинадиган ўкув-услубий материаллар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим [9],[11]:

- фойдаланувчиларга тушунарлилик ва осонлик;
- маълумотлар мажмуасида мавжуд бўлган ҳар қандай турдаги ахборот билан ишлай олиш имконияти;
- Windows тизимидағи фойдаланувчи интерфейсининг стандартга мослиги;
- маълумотлар мажмуаси билан ишлашда назарда тутилган барча функцияларни таъминлаш.

Масофали ўқитиши учун яратилган электрон таълим ресурсларининг асосий мазмуни қуйидаги ўкув-услубий материаллардан иборат бўлади:

- электрон дарсликлар, ўкув қўлланмалар, методик қўлланмалар ва бошқа қўшимча материаллар;
- ўкув-услубий мажмуалар;
- ўзини ўзи назорат қилиш учун тест дастурлари ва саволлар мажмуаси;
- лаборатория ишлари ва уларнинг тавсифи;

- хисоб-график, мустақил ишлар, намунавий ишлар ва назорат ишлари;
- ҳисоблаш дастурлари, маълумотномалар, иловалар (қўшимча дастурий таъминотлар);
- ўқув режалар, тақвим-мавзули режалар;
- тадқиқотлар, лойиҳалар бўйича ҳисоботлар.

Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурсларининг асосий қисми электрон дарслик талабларига асосланган. Электрон дарслик - компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишига мўлжалланган электрон ўқув адабиёти ҳисобланади [3].

Ўқув жараёни учун яратилган электрон таълим ресурслари ўқув жараёни мобайнида намойиш этиши воситаси, компьютер синфларида ташкил этиладиган мустақил ишлар машғулотларида репититор, мустақил таълим олишга восита, амалий ва лаборатория ишларини бажариш мобайнида услубий ёрдамчи, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражалари назоратчиси, амалий ва лаборатория машғулотлари учун топшириклар яъни масала ва машқлар билан таъминловчиdir.

Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари ўқувчиларга ахборотни ўқиши, маъruzаларни эшитиши, амалий ва лаборатория машғулотларига мўлжалланган вазифаларни бажариш, ўз билимларини текшириш ва зарур ҳолларда уларни тўлдириш, ўзини ўзи назорат қилиш кабиларни тавсия этиши мумкин.

Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурслари ўз ичига тренажёрлар, амалий ва лаборатория машғулотлари учун вазифалар, тест топшириқлари, бир вақтнинг ўзида билим бериш ва уларни ўзлаштириш жараёнини назорат қилувчи дастурий таъминотларни қамраб олади. Бошқача айтганда у ўқув предметларининг асосий ахборотли қисмини баён этувчи, олинган билимларни мустаҳкамлашга мўлжалланган машқлар, ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш имкониятини берадиган тест технологияларидан ташкил топади.

Ўқув жараёнига мўлжалланган электрон таълим ресурслари қўйидаги имкониятларга эга бўлиши керак [8]:

- фанлар бўйича таълим мазмунига эга бўлган ахборот ресурслари;
- турли йўналишлар бўйича ўқув курслари;
- тескари алоқани таъминлаш;
- керакли ахборотларни тез топишига ёрдам бериш;
- гиперматнли тушунтиришларга кўп марта мурожаат қилишда вақт ҳисобини эътиборга олиш;
- экранга маълумотларни чиқаришда компьютернинг мультимедиали имкониятларидан фойдаланиш;
- предметнинг ҳар бир бўлими бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларига мос ҳолда билимларини баҳолай олиш;
- предметнинг ўқув ахборот базаларини янгилаш имкониятини яратиш ва бошқалар.

Ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилса, таълимтарбия жараёни жадаллаштирилади. Таълим-тарбия жараёнини жадаллаштиришнинг

асосий омиллари қаторига қуидагиларни келтириш мүмкін [5], [6]:

- мақсадға йўналтирилганлик;
- ўқувчиларнинг мотивациясини кучайтириш;
- таълим мазмунининг ахборотли ҳажмини кэнгайтириш;
- ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш;
- ўқувчиларнинг ўқув-амалий даражасини мустаҳкамлаш ва бошқалар.

ХУЛОСА

Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурсларининг ўқув жараёнида мустақил таълим машғулотларини самарали ташкил қилишда аҳамияти жуда катта ҳисобланади. Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурсларидағи дастурий воситалар асосида яратилган ўқув-услубий материаллар ва электрон дарсلىклардан фойдаланишдан асосий мақсад замонавий ахборот – таълим услугини шакллантиришdir. Замонавий ахборот ва педагогик технологияларини қўллаш орқали таълим жараёнининг самарадорлиги, сифати ва унумдорлигини ошириш, узлуксиз таълим тизимида замонавий ўқув манбаларидан бири электрон ўқув адабиётларини кэнг қўллаш, уларнинг маълум маънода кутубхоналарини ташкил этиш, таълимнинг масофали ўқитиш усулларини амалда жорий этиш ва умумжаҳон электрон ўқув тизимига киришдан иборат.

Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурсларидағи мустақил таълим машғулотлари учун яратилган электрон ўқув-услубий материаллар автоматлаштирилган дастурий воситалар ёрдамида ишлайди. Автоматлаштирилган ўқув-услубий материаллар таълим оловчиларга керакли мавзулар бўйича маълумотларни тавсия этади ва билимларни назорат қиласди. Билимларнинг назорати натижасига қараб таълим оловчиларга турли даражадаги мураккаб топшириқлар тавсия қилинади. Автоматлаштирилган ўқув-услубий таълим воситалари ёрдамида таълим оловчилар ўқитувчининг ёрдамисиз ҳам ўз билимларини ошириб такомиллаштириб бориши мүмкін [1],[2].

Ўқув жараёнида Web технологиялар асосида яратилган электрон таълим ресурсларидан фойдаланишнинг афзалликлари қуидагилардан иборат [4], [7], [10]:

- ўқув жараёнида берилаётган материалларни чуқур ва мукаммал ўзлаштириш;
- таълим олишнинг янги шаклини таълим тизимига жорий қилиш;
- дарс жараёнида билим олиш вақтининг қисқариши (вақтни тежаш) имконияти;
- олингандар билимлар ўқувчилар хотирасида узоқ муддат сақланиши ва уни амалиётда қўллаш мумкинлиги;
- ўқувчиларда маълум малакаларни шакллантириш вақти қисқалиги;
- машғулотларда бажариладиган топшириқлар сонининг ортиши;
- компьютер томонидан фаол бошқаришни талаб қилиниши натижасида ўкувчи таълим субъектига айланиши;
- ўқувчилар кузатиши, мушоҳада қилиши қийин бўлган жараёnlарни моделлаштириш ва бевосита намойиш қилиш имкониятининг ҳосил бўлиши ва бошқалар.

Шунинг учун ҳам, ўқув жараёнини компьютерлаштириш муаммоларини ҳал қилиш бўйича барча иқтисодий ривожланган мамлакатлар каби республикамизда ҳам турли йўналишдаги илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Web технологияларига асосланган таълимнинг афзаллиги шундан иборатки, электрон таълим ресурсларини шакллантириш, бунда талаба ўкув жараёнида тасаввур қилиш, фикр юритиш, тинглаш, ёзиб олишдан ташқари ҳар бир изоҳланаётган жараён, воқеа ва ҳодисалар, кўз билан кўриш мумкин бўлмаган, тасаввур қилиш қийин бўлган ходиса ва жараёnlарни виртуаллаштирилган компьютер моделида кузатиб туради. Ҳар бир схема, гарфик, жадвал ва мураккаб сўзлар электрон ҳолатда аниқ кўрсатиб борилади. Талабалар олган билимни виртуал назорат орқали текшириш натижасида вақт тежалади. Бундан ташқари дарсни ўзлаштира олмаган ёки билимини янада мустахкамлаш мақсадида талаба мустақил равиша виртуал ўкув кўлланмаларидан фойдаланиш имконияти мавжуд.

REFERENCES

1. Toshtemirov D.E., Niyozov M.B., Yuldashev U.A., Irsaliev F.Sh. Resource support of distance course information educational environment // Journal of Critical Reviews ISSN-2394-5125 Vol 7, Issue 5, 2020, pp. 399-400
2. Yuldashev, U.A., Xudoyberdiev, M.Z., & Axmedov, T.B. (2021). O‘quv jarayonining sifatini oshirishda zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish. //Academic research in educational sciences, 2(3), 1262-1268.
3. Yuldashev U.A. Use of video lesson creative technologies in the process of electronic education// Scientific-Methodical Journal-T 2021
4. Yuldashev Ulmasbek Abdubanatovich, Khakimova Farangis Abdualimovna, Khudayberdieva Dilorom Khaydar kizi, Web of Scientist: International Scientific Research Journal, ISSN-2776-0979 Vol 2, Issue 5, 2021, pp. 693-697
5. Toshtemirov D. E., Saidov J. D., Mamatqulov S. X. TECHNOLOGY OF CREATING MODERN ELECTRONIC EDUCATIONAL RESOURCES //Bulletin of Gulistan State University. – 2019. – T. 2019. – №. 1. – C. 67-71.
6. Toshtemirov D., Muminov B., Saidov J. Fundamentals of compilation of electronic tasks for students to test and strengthen their knowledge of database //International Journal of Scientific and Technology Research. – 2020. – T. 9. – №. 4. – C. 3226-3228.
7. Abduqodirov A.A., Pardaev A.X. Masofali o‘qitish nazariyasi va amaliyoti. Monografiya. T.: Fan. 2009. -146 b.
8. Abduqodirov A.A., Toshtemirov D.E. Ta’lim muassasalarida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish metodikasi. Monografiya. Guliston: “Universitet”, 2019. - 232 b.
9. D.B.Abduraximov, D.E.Toshtemirov. Mutaxassislik fanlarini o‘qitish metodikasi. O‘quv qo‘llanma. – Toshkent, 2020. - 224 b.
10. Toshtemirov D.E. Ta’lim portalı: yaratish tamoyillari, mazmuni va foydalanish metodikasi. Monografiya. Guliston: Universitet. 2015. -156 b.
11. Toshtemirov D.E. Ta’lim portalining tarkibiy tuzilishi va uslubiy ta’minoti. // Kasb-hunar ta’limi, 2010. № 2. -. B. 10-11.J.D.Saidov. Study of the process of database and creation in higher education. Guliston. 2021. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/5R96C>.
12. Abdubanapovich, Y. U., & Qizi, S. M. B. (2022). MASOFALI O ‘QITISH JARAYONIDA INFORMATIKANI FANINI O ‘QITISHDAGI DIDAKTIK TIZIMLAR. Science and innovation, 1(B3), 797-800.